

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖИЕВА ГУЛИРАЪНО САЙФУЛЛАЕВНА

**АРИД ЗОНА ШАРОИТИДА АНЕМИЯ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ТЕМИР ПРЕПАРАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
МЕЗОНЛАРИ ТАҲЛИЛИ: ФАРМАКОТЕРАПИЯ,
ФАРМАКОЭКОНОМИКА ВА ТЕРАПИЯ КОМПЛЕМЕНТЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

УРГАНЧ – 2021

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжиева Гулираъно Сайфуллаевна

Арид зона шароитида анемия билан оғриган беморларда темир препаратларини қабул қилиш мезонлари таҳлили: фармакоэпидемиологияси, фармакоиктисодиёти ва терапиянинг комплаенси..... 3

Ходжиева Гулираъно Сайфуллаевна

Анализ применения препаратов железа у больных с анемией в условиях аридной зоны: фармакоэпидемиология, фармакоэкономика и комплаентность терапии..... 21

Hodjiyeva Gulirano Sayfullayevna

Analysis of the application of iron preparations for the treatment of patients with anemia in the conditions of the arid zone: pharmacoepidemiology, pharmacoeconomics and compliance of therapy..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.3.DSe/Tib389 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.urgfilma.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жарылқасынова Гаухар Жанузакевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мусаев Максуд Раъзакович тиббиёт фанлари доктори, профессор Махмудова Аиша Джумановна тиббиёт фанлари доктори
Етказчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация хисовиси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали хузуридаги PhD.04/30.09.2020.iiб.123.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» декабр хуни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзили: Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Tel +(99862) 224 84 84, E-mail: taurgfil@mail.uz.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Tel +(99862) 224 84 84, E-mail: taurgfil@mail.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «2» декабр кун тарқатилди.
(2021 йил «2» декабр даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Р.Ю. Рузibaев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманизова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг вазифаларидан бири – бу даволаш усулларини самарадорлик, хавфсизлик ва нарх жихатидан мунтазам равишда қайта баҳолашдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...ер юзида 1 миллиардга яқин инсонларда темир танқислиги мавжуд. Қондаги гемоглобин миқдори бўйича анемия билан касалланиш даражаси 21-80% (ривожланган мамлакатларда 18-20% дан ривожланаётган мамлакатларда 35-75% гача), зардобдаги темир миқдори бўйича эса 49 дан 99% гача»¹. Бир қатор олимларнинг изланишларига кўра, камқонлик ташхиси кўйилган беморлар сони сўнгги ўн йил ичида беш баробардан ошди. Шифокорларнинг шахсий қарашлари, беморнинг субъектив идроки ва терапияга риоя қилишидаги уч-ўлчамли баҳолашнинг объектив мураккаблиги даволаниш жараёнида иштирокчиларни энг тежамкор даволаш усулларига таянмайдиган нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан нафақат тегишли даволаш усулини ва махсус дори воситасини танлашни ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш, балки беморнинг даволанишга бўлган муносабати билан боғлиқ индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Дунёда энг кенг тарқалган соматик касалликларнинг фармакотерапияси ва фармакоэкономика аспектларини ўрганишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Беморларнинг терапияга бўлган муносабатини, беморнинг комплаенси ва замонавий технологияларни қўллаш орқали уни такомиллаштириш усулини, хусусан, беморни даволовчи шифокор ва терапияни назорат қилиш билан таъминлайдиган махсус мобил иловаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида фармакоэкономика ва даволашни комплаенс масалалари биринчи ўринда туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу муаммони ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳар бир воситанинг ўзига яраша фарқи бор, шифокорларнинг ҳам кўрсатмалари турлича, ҳақиқий клиник амалиёт бўйича тадқиқотлар етарлича эмас, фармакотерапевтик ва фармакоэкономика тадқиқотларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Мазкур тадқиқот мана шу ижтимоий долзарб бўлган муаммога имкон қадар ечим топишга мўлжалланган.

Мамлакатимизда ҳозирда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича бир қатор кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган

¹ Дворецкий Л.И., Ивлева О.В. Ключевые вопросы лечения железодефицитной анемии. // Врач. – 2017. - №2. – С. 68-73

холда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилич тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш" каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармонларида ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сонли "Кексаларни эъзозлаш йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Комплаенс - бу бемор томонидан касалликнинг олдини олиш, даволаш ва реабилитация қилиш доирасида барча тиббий тавсиялар ва кўрсатмаларнинг аниқ бажарилиши. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янада мураккаб таърифни таклиф қилади: "беморнинг дори-дармонларни қабул қилишдаги маъсулияти, овқатланиш бўйича тавсиялар ёки турмуш тарзининг ўзгариши, шифокорнинг кўрсатмалари ва тавсияларига мувофиқ ҳаракатланиш даражаси". Комплаенснинг йўқлиги кўплаб мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимида оғриқли нуқта ва муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда сурункали касалликларга чалинган беморларнинг атиги 50 фоизи узоқ вақт давомида тиббий тавсияларга амал қилишади, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич бундан ҳам пастроқ (Балашова Е.А., Мазур Л.И. 2015, Койчуев А.А., 2013, Джакубекова А.У., Казымбеков К.Р., 2012, Мартынов А.А., Спиридонова Е.В., 2012). Шундай қилиб, 50 йил давомида (1948 йилдан 1998 йилгача) 569 та тадқиқотни ўз ичига олган мета-таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, беморларнинг ўртача 76%и комплаенсга амал қилади. Шу билан бирга, касалликнинг турига ва унинг оғирлик даражасига

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

караб, сезиларли фарқ кузатилган. Шифокор тавсияларини амалга оширишдаги қийинчиликлар руҳий касаллиги бўлган беморларда қайд этилган. Тадқиқот натижаларига кўра, бу беморларнинг ўртача 50%и 3 ойдан кейин ўз ихтиёри билан буюрилган антидепрессантларни қабул қилишни тўхтатади. Хусусан, шизофрения билан оғриган беморларда ўртача комплаенс даражаси 50 дан 60%гача, биполяр бузилишда эса 35%гача. Буюк Британияда 1991-2001 йилларда умумий амалиёт шифокорлари билан ўтказилган когорт тадқиқотлари шуни кўрсатдики, гипертония учун бирламчи дори терапияси билан беморларнинг 20% га яқини белгиланган даволанишни тўхтатади, бир йилдан кейин эса яна 29% (Schaefer B., Meindl E., 2020, Ding Y., Zhu X., 2020, Besarab A., Hemmerich S., 2017, Shander A., Goodnough L.T., 2014, Wilson P.D., Hutchings A., 2013).

Мамлакатимизда бир қатор тадқиқотлар темир танқислиги анемиясининг фармакоиктисодиёти ва фармакоэпидемиологияси муаммосига бағишланган (Мавлянов И.Р., 2019, Жарилқасинова Г.Ж., 2020). Соматик касалликлар, хусусан, ревматоид артритда даволанишга риоя қилиш муаммосини баъзи маҳаллий муаллифлар ҳам кўриб чиқишган (Бекенова Г., Мавлянов С.И., 2020). Бироқ, бизнинг мамлакатимизда темир танқислиги анемияси билан касалланишни батафсил ўрганишга бағишланган ишлар олиб борилмаган. Юқорида айтилганлар темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда комплаенс хусусиятларини чуқур ўрганиш ва уни оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий текшириш муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2019.PhD.041) «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикасининг арид зона шароитида анемия билан оғриган беморларда ўтказилган фармакотерапия, фармакоэкономика тадқиқотлар натижаларига кўра, анемияга қарши даволашнинг комплаенсини ошириш имкониятлари ҳамда иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Республиканинг арид ҳудудларида темир танқислиги анемияси эпидемиологиясини, темир препаратларининг фармакотерапия, фармакоэкономика ва шифокорларнинг даволаш кўрсатмалари бўйича танлов хусусиятларини баҳолаш;

темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг даволанишга риоя қилиниш даражасини баҳолаш ва уларнинг қабул қилинаётган воситалардан хабардорлик даражасини ўрганиш;

қурғокчил ҳудудларда темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда комплаенс даражаси пастлигининг асосий сабабларини аниқлаш;

темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда мобил иловалар кўринишидаги комплаенсни назорат қилиш ва такомиллаштириш усулини татбиқ қилиш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2020 йилларда Республиканинг 4 та худуди: Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикасидаги амбулатория муассасаларида тадқиқ қилинган темир танқислиги анемияси билан касалланган 2000 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда даволаниш комплаенси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник ва биокимёвий тадқиқот усулларидан, шунингдек, комплаенсни, темир танқислиги анемиясида субъектив ва объектив аломатларнинг оғирлик даражасини, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун тузилган сўровномалар ва ўлчовлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор арид ҳудудларда темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг комплаенс даражаси ўрганилган ва даволаниш тартиб қоидаларига тўлиқ амал қиладиган беморларнинг частотаси аниқланган;

илк бор “Комплаенс даражаси” бўйича ўтказилган сўровнома натижаларини таҳлил қилиш асосида, темир танқислиги анемияси бўлган беморларда комплаенсга амал қилиш энг паст экани қайд этилган;

илк бор статистик таҳлил натижасида комплаенсга риоя қилиш ва темир танқислиги анемияси оғирлик даражаси ўртасида гемоглобин даражаси, умумий анемик ва сидеропеник синдромлар кўринишидаги кучли ўзаро боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

илк бор “MyTherapy” мобил иловасини қўллаш асосида темир танқислиги анемияси бўлган беморларда даволаниш комплаенсини назорат қилиш ва такомиллаштириш усули ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фармакоэпидемиологик таҳлил натижаларига кўра, Fe (II) темир препаратлари гуруҳини танлаш темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда комплаенс даражасининг анча пасайиб кетишига сабаб бўлиши исботланган;

темир танқислиги анемияси билан оғриган беморлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, комплаенс билан боғлиқ инструктор компонентининг сезиларли етишмовчилиги бўлган респондентларнинг атиги 65 фоизи қабул қилинган ферротерапия тўғрисида қониқарли хабардорлик даражасига эга эканлиги аниқланган;

беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичларини динамик кузатиш натижаларига кўра, темир танқислиги анемиясида ферротерапияга нисбатан комплаенсни назорат қилишнинг мазкур ишлаб чиқилган усули самаралироқ экани исботланган ва даволаш тамойиллари амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мазкур ишда назарий ёндашув ва усулларнинг мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг

аниқлиги, етарлича темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг камраб олинганлиги, замонавий статистик, клиник ва биокимёвий тадқиқот усулларидан, расмийлаштирилган сўровномалар ва ўлчовлардан тўғри фойдаланилганлиги билан, шунингдек олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар натижаларига мувофиқлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларни оммавий сўроқ қилиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш асосида республикамизнинг арид шароитига кирувчи 4 та региондаги амбулатория-поликлиникаларида беморларнинг комплаенс даражаси ўрганилганлиги, унинг компонентлари танқислигининг оғирлиги аниқланганлиги, беморларнинг қабул қилаётган терапия ҳақида хабардорлик даражаси ва комплаенс даражаси пастлигининг сабаблари баҳоланганлиги, даволаш тамойиллари амалиётга жорий этиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усулни амалиётга тадбиқ этилганлиги, беморнинг комплаенс кўрсаткичининг яхшиланганлиги, темир танқислиги анемиясининг субъектив ва объектив симптомларининг ижобий кўрсаткичлари сезиларли даражада самарали эканлиги, даволаш тамойиллари амалиётга жорий этиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Арид зона шароитида анемия билан оғриган беморларда темир препаратларини қўллашнинг илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ферротерапияга риоя қилиш, уни аниқлаш усуллари ва поликлиника амалиётида комплаенсни таъминлайдиган турли усулларни қўллаш масалалари бўйича илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Анемия терапиясини баҳолаш, кузатиш ва унга риоя қилишни кучайтириш методикаси” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8н-п/162-сонли маълумотномаси). Мувофиқликни баҳолаш ва яхшилаш усуллари ишлаб чиқилган ва ушбу қўлланмада батафсил баён этилган. Мазкур услубий тавсияномани амалиётга жорий этиш шифокорларни комплаенсни баҳолаш, назорат қилиш ва такомиллаштириш масалаларида хабардорлигини сезиларли даражада оширишга имкон берган.

анемия билан оғриган беморларни даволашда дори-дармонларни қабул қилишни назорат қилиш учун мўлжалланган замонавий мобил дастурий иловаларни жорий этиш ва уларнинг беморларга мослашувини яхшилашдаги самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий натижалар асосида “Анемияни даволашда беморларнинг мувофиқлигини кузатиш ва такомиллаштириш методикаси” услубий тавсиялари ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 февралдаги 8н-п/112-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномани жорий этиш терапия назорати ва беморнинг комплаенс даражасини ошириш орқали ферротерапия самарадорлигини оширишга имкон берган.

Олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан, амбулатория муассасалари (3, 4 ва 11-сонли оилавий поликлиникалар, шунингдек, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси) фаолиятига татбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.03.2021 йилдаги 8н-д/94-сонли маълумотномаси). Амалда олинган натижаларнинг амалга оширилиши темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, якуний фикр ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 115 бетлик матнни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда зарурияти ва унга бўлган талаб ёритилган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва мавзуси белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиясини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий аҳамияти ва амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган асарлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Фармакоэпидемиология, фармакоиктисодиёт ва темир препаратлари билан даволашнинг комплекси темир танқислиги анемияси учун терапиянинг энг муҳим компонентлари сифатида”** деб номланган биринчи бобида ушбу мавзу бўйича замонавий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиб, адабиётлар кўриб чиқилади. Адабиётлар шарҳи 5 қисмдан иборат. Бўлимлар тузилган ва турли минтақаларда, шу жумладан қурғоқчил ҳудудларда, темир танқислиги анемиясининг эпидемиологик хусусиятлари, замонавий тиббиётда фармакоэпидемиологиянинг долзарблиги, мувофиқлиги ва самарадорлигини ошириш масалалари ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар, расмийлаштирилган сўровнома шаклидаги асосий тадқиқот усуллари, шунингдек темир танқислиги анемияси бўлган беморларда назорат қилиш ва

такомиллаштиришнинг мослаштирилган усуллари ҳақида батафсил тавсиф берилган.

Беморларнинг комплаенсини оммавий ўрганиш босқичи 2019 йилдан 2021 йилгача Республиканинг 4 та ҳудуди: Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ўтказилди. Темир танқислиги анемияси билан оғриган беморлар тадқиқот объекти сифатида олинди. Тадқиқот 4 та минтақадаги йирик поликлиника муассасаларида сўровнома шаклида ўтказилди. Сўровномада иштирок этган беморларнинг ёши 18 дан 60 гача. Ҳар бир ҳудудда 500 тадан темир танқислиги анемияси билан касалланган жами 2000 та бемор текширилди.

Темир танқислиги анемияси билан оғриган беморлардан куйидаги сўровномалар бўйича маълумотлар тўпланди: комплаенс даражаси бўйича ва тартибсиз даволаниш сабабларини аниқлаш бўйича сўровнома.

Комплаенсни назорат қилиш ва такомиллаштириш усулининг самарадорлигини ўрганиш босқичига ўртача оғирликдаги темир танқислиги анемияси бўлган 80 нафар бемор (гемоглобин даражаси 90-70 г/л) киритилди. Беморларнинг ўртача ёши $24,23 \pm 3,42$ ни ташкил этди. Жинс бўйича тақсимот: 58 аёл (80%) ва 22 эркак (20%).

Барча беморлар амбулатория шароитида темир препаратларини қабул қилди. Тадқиқотга ноҳўя таъсирларнинг (Fe (II) темир препаратларини қўллаш ҳолатларида) ҳамда беморнинг комплаенсига салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида фақат ТII Fe (III) (темир гидроксиди полималтозат) қабул қилган беморлар киритилди. Даволаниш жараёнида ўрганилаётган беморлар турли савдо номлари остидаги Fe (III) темир препаратларини қабул қилди, улар орасида Малтофер ва Феррум Лек энг кўп фойдаланилди. Беморларга темир препаратларини қабул қилишдан ташқари, аскорбин кислотаси препаратлари ёки витаминли комплексларни юбориш буюрилди.

Комплаенсни назорат қилиш бўйича мобил илованинг самарадорлигини баҳолаш учун беморлар бир хил ёш ва жинсдаги 2 гуруҳга бўлинди:

Асосий гуруҳ “MyTherapy” мобил иловаси ёрдамида терапияга комплаенси кузатилган 40 нафар беморни ўз ичига олди;

назорат гуруҳи анемияси назоратсиз кечган 40 нафар беморни ўз ичига олди.


Комплаенсни назорат қилиш ва такомиллаштириш усулининг тавсифи. Биз “MyTherapy” иловасини танладик. Бу илова Интернетда кенг тарқалган ва Android ҳамда IOS билан ишлайдиган мобил қурилмаларда бепоул юклаб олиш мумкин. Илова жуда кенг функцияларга эга.

Аввало, сиз иловага препаратни қабул қилиш, унинг шакли, қабул қилиш частотаси, қабул қилиш вақти ва даволаниш курсининг давомийлиги ҳақидаги маълумотларни киритишингиз мумкин. Дори-дармонларни қабул қилиш вақти тўғрисида тегишли маълумотлар киритилгандан сўнг, мусиқа ёки бошқа товуш кўринишида махсус сигнал ишга тушади, бу препаратни қабул қилиш вақтини эълон қилади. Сигнал пайдо бўлганда, илова дори-дармонларни қабул қилишни тасдиқлашни талаб қилади, бу шифокор кўрсатмасининг бажарилиши ёки бажарилмаслигини қайд этиш учун

муҳимдир. Препаратнинг кунлик истеъмоли ҳисобот шаклида созланади ва сақланади (pdf форматида), кейин уни чоп этиш ёки даволовчи шифокорга электрон почта орқали юбориш мумкин.

Дори-дармонларни қабул қилиш ҳақида эслатмалардан ташқари, сиз шифокорга ташриф, таҳлил топшириш ва ҳар қандай профилактика чораларини (гимнастика, пиёда юриш ва ҳ.к.) қўллаш тўғрисида билдиришномаларни киритишингиз мумкин, уларнинг рўйхатга олиниши ва бажарилиши махсус ҳисоботда қайд этилади.

Алоҳида бўлимда сиз турли ўлчов ва таҳлил натижаларини киритишингиз мумкин. Яна бир бўлим касаллик аломатларини текширишга бағишланган, бу терапия динамикаси ва унинг самарадорлигини кузатишда муҳим аҳамиятга эга (1-расм).




Расм 1. Илова интерфейси «MyTherapy»

Тадқиқот давомида ушбу илова анемия билан оғриган барча беморларнинг смартфонлари ёки планшетларига ўрнатилди. Мобил иловани ўрнатгандан сўнг, шифокор дорилар номларини, уларнинг дозасини, дозалаш шаклини, қабул қилиш вақтини ва даволаниш муддатини (барча беморлар учун 3 ой) киритади. Алоҳида шифокорга такрорий ташрифлар саналари (ойига бир марта), гемоглобин даражасини аниқлаш учун қон топшириш саналари (ойига бир марта) ва ферритин даражасини аниқлаш учун қон топшириш санаси (ферротерапия курси тугашидан олдин ва кейин) қайд этилади.

“Ўрганилган ҳудудларда темир танқислиги анемияси эпидемиологияси ва фармакоэпидемиологиясининг ўзига хос хусусиятлари” номли диссертациянинг учинчи бобида қурғоқчил ҳудудларга мансуб 4 та минтақада темир танқислиги анемияси тарқалишининг тадқиқот натижалари, шунингдек, турли гуруҳдаги темир

препаратларининг тарқалиши ва уларни тайинлашда мутахассисларнинг танловлари келтирилган.

Бундан ташқари, 2-расмда умумий республика кўрсаткичлари билан қиёсланиб, минтақа жиҳатидан темир танқислиги анемиясининг умумий касалланиш динамикаси кўрсатилган.




Расм 2. 2007 ва 2019 йилларда 4 та минтақада темир танқислиги анемиясининг умумий касалланиш даражаси динамикаси

Тадқиқот учун Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан статистик маълумотлар олинган, чунки бу ҳудудлар кўп йиллар давомида темир танқислиги анемиясининг тарқалиши нуқтаи назаридан энг муаммоли ҳисобланади. Графикдан кўриниб турибдики, 2007 йилда Қорақалпоғистон Республикасида ҳар 100 минг аҳолига нисбатан темир танқислиги анемиясининг умумий касалланиш даражаси бутун мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2 баробар кўп бўлиб, 50,6 минг ҳолатни ташкил этди. Шунингдек, Навоий вилояти кўрсаткичлари 39,2 мингтани ташкил этиб ўртача кўрсаткичлардан деярли 2 баравар юқори, Бухоро вилоятида касалланиш даражаси эса 23,1 мингга тенг. Фақат Қашқадарё вилоятидаги кўрсаткичлар 2007 йилда 13,1 мингтани ташкил этди, бу республикадаги ўртача 20,6 мингдан анча паст.

Агар биз 2019 йилги маълумотларни таҳлил қилсак, умуман Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичнинг пасайиши, шунингдек ўрганилаётган ҳудудларда ҳам сезиларли пасайиш кузатилгани аниқ бўлади. Барча 4 та

минтақада, охириги 12 йил ичида умумий касалланиш даражаси 2007 йилга нисбатан 2 баробардан зиёд камайгани кузатилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида мос равишда 57% ва 75% пасайиш юз берди. 2019 йил маълумотлари шуни кўрсатадики, фақат Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичлари (19,2 минг) республика ўртача кўрсаткичидан (13,2 минг) сезиларли даражада ошган, бошқа вилоятларда эса пастрок.



Расм 3. 4 та ўрганилган ҳудуддаги поликлиникаларда Fe (II) ва Fe (III) темир препаратлари қўллашни қиёсий баҳолаш

Беморларга буюрилган темир препаратлари таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилган 4 та ҳудуднинг поликлиникаларида, умуман олганда, барча минтақаларда Fe (II) препаратлари кўпроқ буюрилган - ўртача 53,75%. Фақат Қашқадарё вилоятида шифокорлар оғиз орқали юбориладиган Fe (III) препаратларини кўпроқ буюришган - 52% ҳолларда, Fe (II) препаратлари 48% ҳолларда буюрилган. Навоий вилоятида бу нисбат деярли тенг бўлиб чиқди - 49% дан 51% гача (3-расмга қаранг).

Шундай қилиб, рецептлар ва амбулатория карталари маълумотларига асосланган фармакоэпидемиологик таҳлил шуни кўрсатдики, фармацевтика бозорида Fe (III) темир препаратлари кўпроқ бўлишига қарамай, шифокорлар бошқа гуруҳ дориларини кўпроқ буюрган.

“Ўзбекистон Республикасининг қурғоқчил ҳудудларида темир


танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг комплаенси” деб номланган тўртинчи бобда темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг комплаенсини ўрганиш натижалари, унинг даражаси, алоҳида компонентларининг танқислиги, беморларнинг терапия ҳақида хабардорлик даражаси, шунингдек, беморлар томонидан комплаенс бузилишининг асосий сабаблари бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Умумий намунадаги "Комплаенс даражаси" бўйича сўровнома натижалари ушбу графикда келтирилган. График шуни кўрсатадики, респондентларнинг атиги 59% и юқори даражада, 3,6% и паст даражада ва 37,3% - ўртача даражада риоя қилган (4-расм).



Расм 4. Беморларнинг умумий намунадаги комплаенс даражасига қараб тақсимланиши (n=2000)




Минтақалар бўйича комплаенс даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, энг паст кўрсаткичлар Қашқадарё вилоятида, энг юқори кўрсаткич эса Навоий вилоятида қайд этилгани аниқ бўлади (5-расм).




Расм 5. Худудлар бўйича комплаенс даражасини баҳолаш натижалари

Комплаенснинг ҳар бир жиҳатини алоҳида ўрганиш кўпроқ қизиқиш уйғотди. Натижалар шуни кўрсатдики, хулқ-атвор жиҳатидан энг аниқ пасайиш инсон омилига боғлиқ, яъни беморнинг эътиборсизлиги ёки терапияга бепарво муносабати билан намоён бўлади. Шуниси қизиқки, бу кўрсаткичлар минтақалар бўйича тақсимотда худди шундай тенденцияга эга бўлди, бу кўрсаткичлар Навоий вилоятида энг юқори, Қашқадарё вилоятида эса паст (6-расм).

Беморларнинг қабул қилинган даволаниш ҳақидаги хабардорлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, умуман олганда, беморларнинг тахминан 65 фоизи даволаниш ҳақида этарли маълумотга эга. Тадқиқот натижаларига кўра, даволаш тартиби, дори дозалари ва даволаниш курсининг давомийлиги билан боғлиқ саволларни кўзда тутувчи кўрсатма қисмини тавсифловчи кўрсаткичлар сезиларли даражада камайган. Шундай қилиб, хабардорликнинг кўрсатма қисмидаги камчиликлар беморнинг комплаенсга паст даражада амал қилишини кўрсатади (6-расм).



Расм 6. Беморларнинг хабардорлиги бўйича сўров натижалари



№	Савол
1	Менда ҳар доим ҳам дорихонадан дори сотиб олиш имкони йўқ
2	Даволанишга ҳожат йўқ деб ҳисоблайман
3	Препарат қабул қилишни унутиб қўяман
4	Доимий препарат қабул қилишни хоҳламайман
5	Соғлигимга ноҳўя таъсири туфайли препарат қабул қилишни тўхтатдим
6	Баъзи ҳолларда препаратни қабул қилишни ўтказиб юбораман баъзи ҳолларда эса уни қабул қилиш ноқулай
7	Оилавий шифокорим препаратни ўзгартирди
8	Танишларим ёки қариндошларим препарат дозасини камайтиришни маслаҳат беришди
9	Аллергик реакция содир бўлди
10	Даволанишни тўхтатишнинг сабаби кўрсатилмаган

Расм 7. Бетартиб даволанишнинг асосий сабаблари

Бетартиб даволанишнинг асосий сабабларини аниқлаш учун ўтказилган сўровда ҳамма гап беморнинг ўзида экани аниқланди. Яъни, аксарият ҳолларда: “Препарат қабул қилишни унутиб қўяман”, “Доимий препарат қабул қилишни хоҳламайман”, “Баъзи ҳолларда препаратни қабул қилишни ўтказиб юбораман, баъзи ҳолларда эса уни қабул қилиш ноқулай” каби жавоблар олинди. Шу билан бирга, дори воситасининг ноҳўя таъсири билан боғлиқ бўлган омиллар нисбатан камроқ намоён бўлди (7-расм).

“Темир танқислиги анемиясини даволашда беморнинг комплаенсини назорат қилиш ва такомиллаштириш йўллари баҳолаш натижалари” деб номланган бешинчи бобда темир танқислиги анемияси билан касалланган беморларнинг комплаенсини “MyTherapy” мобил иловаси асосида назорат қилиш ва такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методни мослаштириш ва амалга ошириш натижалари келтирилган.

Темир препаратларини қабул қилишда ўтказиб юборилган дозаларнинг ўртача сонини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, терапиянинг биринчи ойида асосий гуруҳ беморлари темир препаратларини $6,8 \pm 2,1$ марта ўтказиб юборишган, 3-ойда эса бу кўрсаткич анча яхшиланган ва ўртача $2,4 \pm 1,8$ ни ташкил қилган. Биринчи ой давомида ўз вақтида қабул қилинмаган темир препаратларининг ўртача сони $14,2 \pm 4,3$ марта, учинчи ойда эса $6,3 \pm 3,2$ марта бўлган. Витамин препаратларини қабул қилишда ўтказиб юборилган дозаларнинг ўртача сонини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, терапиянинг биринчи ойида асосий гуруҳ беморлари витамин препаратларини $12,5 \pm 3,5$ марта ўтказиб юборишган, 3-ойда эса бу кўрсаткич анча яхшиланган ва ўртача $4,4 \pm 2,6$ ни ташкил қилган. Биринчи ой давомида ўз вақтида қабул қилинмаган витамин препаратларининг ўртача сони $17,7 \pm 4,4$ марта, учинчи ойда эса $8,3 \pm 3,7$ марта бўлган (1-жадвал).

“MyTherapy” нинг ҳар ойлик ҳисоботиға кўра, асосий гуруҳдаги ўтказиб юборилган дори-дармонларнинг ўртача сони


Қабул қилинган дорилар	Препаратнинг ўтказиб юборилган дозаларининг ўртача сони		Ўз вақтида қабул қилинмаган препаратларнинг ўртача сони	
	1-ой	3-ой	1-ой	3-ой
Темир препаратлари	6,8±2,1	2,4±1,8*	14,2±4,3	6,3±3,2*
Витаминлар	12,5±3,5	4,4±2,6*	17,7±4,4	8,3±3,7*

*- 1 - ойдаги кўрсаткичлар билан солиштирганда фарқлар $p < 0,05$ да статистик жиҳатдан ишончли;

3 ойлик терапиядан сўнг Мориский-Грин шкаласи бўйича комплаенсга риоя қилиниш даражасини баҳолаш натижалари таҳлил қилиниб шу нарса аниқландики, асосий гуруҳда даволаниш шартларига риоя қилмаган беморларнинг улуши 10%, назорат гуруҳида эса 4 баравар кўп (8-расм).




Расм 8. 3 ойлик терапиядан сўнг беморларда Мориский-Грин шкаласи бўйича комплаенсга риоя қилиниш натижалари



Расм 9. Динамикада беморларнинг гемоглобин даражасини аниқлаш натижалари

Терапияга тўлиқ риоя қилганлар сони асосий гуруҳда 73% ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида у атиги 10% ни ташкил қилган. Ўрганилган гуруҳларда гемоглобиннинг ўсиш динамикасини кузатишлар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда унинг қондаги ойлик ўсиш даражаси юқори бўлган (9-расм). Асосий гуруҳда 3-ой охирида гемоглобин даражаси ўртача 121 г/л, назорат гуруҳида эса 111 г/л ни ташкил қилган.

Беморларда гемоглобин даражасининг ошиши билан бир қаторда ФАСТ-Ан тестига кўра асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда қиймати 95,5 ва 97,3 балл бўлган ҳаёт сифати кўрсаткичининг яхшиланиши кузатилди. Даволанишдан сўнг ушбу кўрсаткич асосий гуруҳдаги беморларда ўртача 138,2 баллга, назорат гуруҳида эса 112,4 баллгача ошган (10-расм).




Расм 10. Беморларнинг ҳаёт сифатини динамикада баҳолаш натижалари


Беморларнинг асосий гуруҳида, шунингдек, шифокор кўригига режалаштирилган ва буюрилган ташрифлар сони (3, 4 марта), шунингдек, шифокорлар буюрган гемоглобинга қон топширилган тестларининг ўртача сони (3,1 та тест) юқори бўлган.

Айниқса, ферритин даражасини ўлчаган беморлар улушининг кўпайиши диққатга сазовордир. Бу таҳлилни ҳар доим ҳам давлат тиббиёт муассасаларида ўтказиш имкони бўлмагани учун, республикамиз ҳудудида анча қиммат бўлган бу таҳлилни ўтказиш учун беморлар хусусий клиникаларга ёки бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга мурожаат қилишлари керак. Шу нуқтаи назардан, халқаро тавсиялар ва стандартларга қарамай, беморларга, агар иложи бўлса, фақат ферритинни текшириш тавсия қилинган. Шунинг учун ҳам, терапия аввалида ушбу таҳлилдан ўтган беморларнинг сони кам бўлди (мос равишда 16,7% ва 20%). Аммо, терапия курсининг охирига келиб, асосий гуруҳда таҳлилдан ўтган беморларнинг улуши 80%гача ошди, бу шунини кўрсатадики, мобил илова ёрдамида даволанишни назорат қилиш беморларнинг ўзларида касалликка қизиқишининг ошишига ёрдам берган (11-12-расм).

Шундай қилиб, "My Therapy" мобил иловасининг анемия билан оғриган беморларни амбулатория шароитида даволашини кузатиш жараёнида қўлланилиши беморнинг комплекси ва даволаниш самарадорлигининг сезиларли яхшиланишига олиб келди.



Расм 11. Даволаш даврида беморларнинг шифокор ҳузурига ташрифи ва беморларда гемоглобинни ўлчашнинг ўртача миқдори



Расм 12. Тадқиқот гуруҳларида даволанишдан олдин ва кейин ферритин текширувидан ўтган беморларнинг улуши

Шундай қилиб, анемияни клиник даволаш жараёнида даволашни назорат қилиш ва беморларнинг комплаенсини яхшилаш усули сифатида "My Therapy" мобил иловасини татбиқ қилиш ва самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди. Даволанаётган беморларни 3 ой кузатиш натижасида шу нарса аниқ бўлдики, уларда назорат гуруҳидаги беморларга қараганда Мориский-Грин шкаласи бўйича комплаенс кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланган. Шунингдек, асосий гуруҳ беморларида назорат

гуруҳидаги беморлар билан солиштирганда қондаги гемоглобин даражасининг анча ошгани, ҳаёт сифати кўрсаткичларининг юқори даражаси, шифокор хузурига ташрифларнинг ва белгиланган тестларни топширишнинг ўртача сонининг ошганлиги қайд этилди.

ХУЛОСА

“Арид зона шароитида анемия билан оғриган беморларда темир препаратларини қабул қилиш мезонлари таҳлили: фармакоэпидемиологияси, фармакоиктисодиёти ва терапиянинг комплекси” мавзусида тиббиёт фанлари бўйича фалсафа докторининг диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Эпидемиологик ва фармакоэпидемиологик таҳлиллар асосида, ўрганилган 4 та ҳудудда аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигининг тарқалиши сезиларли ўзгарувчанлик билан ажралиб туриши кўрсатилди, бу унга таъсир этувчи ўзига хос ички омиллар мавжудлигидан далолат беради. Ҳозирги тенденцияларга ва республикадаги дори-дармонлар бозори кўп миқдордаги Fe (III) препаратлари билан таъминланганига қарамай, мутахассисларнинг дори танлашга бўлган хоҳиш-истаклари бошқача бўлиб қолмоқда ва ҳар икки гуруҳга дори-дармонларни буюриш частотаси ҳам тахминан тенг.

2. Сўров натижаларига кўра, қурғоқчил зоналарда темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларнинг атиги 59 фоизи хулқ-атвор компонентининг аниқ этишмовчилиги билан юқори даражадаги комплекси амал қилади. Ўртача 65% беморларнинг эса индуктив компонентнинг этишмаслиги билан қабул қилинган терапия тўғрисида қониқарли даражада хабардор экани аниқланди.

3. Беморлар билан ўтказилган яқка тартибдаги интервью ва сўровлар асосида комплекси амал қилишга тўсқинлик қилаётган омиллар таҳлил қилинди, аксарият ҳолларда беморларда дори воситасининг ноўя таъсиридан келиб чиққан тиббий омилларга қараганда ижтимоий ва беморнинг ўзига боғлиқ омиллар муаммонинг асосий сабаби.

4. Махсус мобил иловалардан фойдаланиш темир танқислиги анемияси билан касалланган беморларнинг комплекси амал қилишини назорат қилиш ва даволаниш самарадорлигини оширишнинг инновацион усулини амалиётга жорий этиш имконини берди.

5. 3 ой давомида беморларнинг даволанишини динамик назорат қилиш натижасида, назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан асосий гуруҳ беморларининг комплекси даржасида анча яхшиланиш, қондаги гемоглобин даражасида (10%га) ўсиш ва ҳаёт сифатининг юксалишига (20%га) кўрсаткичларига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХОДЖИЕВА ГУЛИРАЪНО САЙФУЛЛАЕВНА

**АНАЛИЗ ПРИМЕНЕНИЯ ПРЕПАРАТОВ ЖЕЛЕЗА У БОЛЬНЫХ С
АНЕМИЕЙ В УСЛОВИЯХ АРИДНОЙ ЗОНЫ:
ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ФАРМАКОЭКОНОМИКА И
КОМПЛАЕНТНОСТЬ ТЕРАПИИ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

УРГЕНЧ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3.DSc/Tib389

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сино.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.urgfilitma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Жарылжасимова Гаухар Жанузаковна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Мусаев Максуд Рахмонович
доктор медицинских наук, профессор

Махмудова Азиза Джумановна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «14» декабря 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.09.2021.Tib.12801 при Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии. Адрес: Хорезмская область, г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом 28. Тел./факс: (+998622248484).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 4). Адрес: Хорезмская область, г. Ургенч, улица Аль-Хорезмий, дом 28. Тел./факс: (+998622248484).

Автореферат диссертации разослан «2» декабря 2021 года.
(Протокол рассылки № 4 от «2» декабря 2021 года)



Р.Ю. Рузубаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

З.Ф. Джуманизова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат медицинских наук, доцент

Р.Б. Абдуллаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одной из задач современной системы здравоохранения является регулярная переоценка применяемых методов лечения с точки зрения эффективности, безопасности и стоимости. По данным Всемирной организации здравоохранения «...около 1 миллиарда человек на земле страдают железодефицитной анемией. Частота анемий по уровню гемоглобина в крови колеблется в пределах 21-80% (от 18-20% в развитых до 35-75% в развивающихся странах), а по уровню сывороточного железа – от 49 до 99%. Число пациентов с диагнозом «анемия», по данным ряда авторов, за последнее десятилетие увеличилось более чем в пять раз.

Объективная сложность трехмерной оценки личных взглядов врачей, субъективного восприятия пациента и комплаентности терапии может привести участников лечебного процесса к ошибочным выводам, не опирающимся на наиболее экономичных методах лечения³. В связи с этим, целесообразно разработать дифференцированный подход с учетом не только выбора подходящего метода лечения и соответствующего препарата, но также и учитывать индивидуальные особенности пациента, связанных с его отношением к лечению.

На сегодняшний день в мире ведется ряд научных исследований, посвященных изучению аспектов фармакоэкономики и фармакоэпидемиологии наиболее распространенных соматических заболеваний. Особое внимание следует уделить изучению отношения пациентов к терапии, способу её совершенствования за счет комплаенса пациента и применения современных технологий, в частности, специальных мобильных приложений, которые обеспечивают контроль над пациентом и терапией лечащим врачом. Учитывая, что в современной системе здравоохранения вопросы фармакоэкономики и комплаенса терапии стоят на первом месте, изучение данной проблемы является одной из актуальных проблем сегодняшнего дня. Несомненно, что каждое средство имеет свои индивидуальные отличия, показания врачей тоже разнятся, исследований реальной клинической практики недостаточно, необходимость в выполнении фармакотерапевтических и фармакоэкономических исследований невероятно велика. Настоящее исследование призвано внести свой вклад в решение этой социально-значимой проблемы.

В нашей стране в настоящее время проводится ряд широкомасштабных комплексных мер по коренному улучшению качества оказания медицинской помощи населению. В Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы определены такие задачи, как «...дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное

³ Дворецкий Л.И., Ивлева О.В. Ключевые вопросы лечения железодефицитной анемии. // Врач. – 2017. - №2. – С. 68-73.

на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений»⁴. Эти задачи дают возможность снижению показателей инвалидности и смертности путём вывода на новый уровень оказания населению современной медицинской помощи в диагностике железодефицитной анемии, и использование современных технологий при разработке профилактических мер, направленных на повышение эффективности лечения.

Данное диссертационное исследование способствует решению задач, отмеченных указами Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года №ПП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» и №УП-4947 «Стратегии действий Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 гг» от 7 февраля 2017 года, постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также от 18 февраля 2015 года №ПП-2302 «О государственной программе «Год внимания и заботы о старшем поколении»».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по разделу VI. «Медицина и фармакология».

